


I. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ


2018 йил январь-июнь ойлари давомида вилояттинг асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг умумий ҳажми миллий валютада 1955,1 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 133,4 фоизни ташкил этди.

ЯҲМ таркибидаги улуши





Асосий капиталга киритилган марказлашган ва марказлашмаган инвестицияларнинг улушлари

2018 йил январь-июнь



2017 йил январь-июнь



Вилоятда 2018 йил январь-июнь ойларида асосий капиталга киритилган марказлашган инвестициялар 772,0 млрд. сўмни, ўсиш суръати, 182,9 фоиз (жами ҳажмдаги улуши 39,5 фоиз) ни ташкил этди. Марказлашмаган инвестициялар ҳажми 2018 йил январь-июнь ойларида 1183,1 млрд сўмни ташкил этиб, ўсиш суръати 113,5 фоиз (жами ҳажмдаги улуши 60,5 фоиз)ни ташкил этди.

Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши

	<i>млрд.сўм</i>	<i>ўсии суръати, %</i>	<i>якунга нисбатан фоиз</i>
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	1955,1	133,4	100,0
<i>ишу жумладан</i>			
Марказлашган инвестициялар:	772,0	182,9	39,5
бюджет маблағлари	52,6	128,6	2,7
давлат мақсадли фонд маблағлари	83,0	147,2	4,2
тикланиш ва тараққиёт фонди маблағлари	-	-	-
хукумат кафолати остида чет эл инвестициялар ва кредитлари	636,4	196,6	32,4
Марказлашмаган инвестициялар	1183,1	113,5	60,5
корхоналарнинг ўз маблағлари	435,1	133,7	22,3
аҳоли маблағлари	323,4	91,2	16,5
тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	78,0	117,2	4,0
тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	345,5	119,6	17,7

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари бўйича тақсимланиши




2018 йил январь-июнь ойларида асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркиби

	Жами	Давлат	Нодавлат
Жами, млрд. сўм	1955,1	251,1	1704,0
<i>ишу жумладан: умумий ҳажмга нисбатан фоиз кўринишида</i>			
қурилиш-монтаж ишлари	1415,1	209,3	1205,8
машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар	450,4	34,2	416,3
Бошқа ҳаражатлар	89,6	7,7	82,0


Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркибининг тузилиши 2017 йил январь-июнь ойларига нисбатан қурилиш-монтаж ишларнинг улуши 126,8 фоизли пунктга кўпайди, машина, ускуналар, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар қиймати улуши 19,7 фоизли пунктга кўпайди бошқа ҳаражатларнинг улуши 33,0 фоизли пунктга камайган.

Асосий капиталган киритилгандык инвестициялар ва кредитларни иқтисодий фаолият турлари бүйича
 (умумий ҳажымга нисбатан фоиз ҳисобида)

Январь-июнь 2017 й.



Январь-июнь 2018 й.



- Уй-жой қурилиши
- Ташиб ва сақлаш
- Электр,газ, буғ билан таъминлаш ва хавони кондициялаш
- Ишлаб чикариш саноати
- Башқа фаолият турлари
- Улгуржи ва чакана савдо, моторлы транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида
- Қурилиш
- Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш
- Профессионал, илмий ва техник фаолият
- Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш

Ижтимоий соҳа обьектларини қуриш

2018 йил январь-июнь ойларида умумий майдони 420,5 минг кв.м. бўлган 3105 та (2017 йил январь-июнь ойлари якунига нисбатан 80,4 фоиз), шу жумладан қишлоқ жойларида 320,3 минг кв.м (79,5 фоиз) уй-жой фойдаланишга топширилди. Ноишлаб чиқариш соҳасига киритилгандык инвестициялар ҳажмидан 431,5 млрд. сўми ёки 61,6 фоизи уй-жой қурилишида ўзлаштирилди.

Умумтаълим мактаблари, мактабгача таълим муассасалари, мусиқа ва санъат мактаблари қуриш ва қайта таъмирлашда 23,5 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди. Бу эса ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган жами инвестицияларнинг 3,5 фоизини ташкил қилди.

Софлиқни сақлаш обьектларини қуриш ва реконструкция ишларида 31,7 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 4,5 фоизини ташкил қилди.

Коммунал қурилиш соҳасида 12,1 км узунликдаги ичимлик суви тармоқлари ишга туширилди, бу 2017 йил январь-июн ойлари якунига нисбатан 12,4 фоизни ташкил қилди.

Ичимлик суви тармоқлари қурилишига аҳоли маблағлари ҳисобига 298,1 млн.сўм микдорида инвестициялар ўзлаштирилди.


Курилиш фаолияти. 2018 йил январь-июн ойларида 765,2 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 104,7 фоизни ташкил этди.

Курилиш ишлари умумий ҳажмининг 67,9 фоизи бинолар ва иншоатларни қуриш бўйича қурилиш ишлари, 15,9 фоизи фукаролик қурилиши обьектларини қуриш бўйича қурилиш ишлари ва 16,1 фоизи ихтисослаштирилган қурилиш ишларига тўғри келди. Шу жумладан бажарилган умумий ҳажмнинг 74,3 фоизи янги қурилиш, реконструкция ва кенгайтириш ҳамда техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга тўғри келади.

Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан

бажарган қурилиш ишлари тақсимоти

(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)



2017 йил январь-июнъ

2018 йил январь-июнъ

Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 397,4 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 93,5 фоизни (2017 йил январь-июн ойларига нисбатан ўсиш суръати 103,8 фоизни) ташкил қилди.